

А Ж Р И М

Ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида

2022 йил 16 ноябрь куни, жиноят ишлари бўйича Янгибозор туман суди, Янгибозор тумани, “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, шу суднинг раиси Р.Бобажановнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Рустамованинг котибалигида, тарафлардан Янгибозор туман прокурорининг ёрдамчиси Р.Қурбанов, жабрланувчининг қонуний вакили С.Ражапова ва фуқаровий даъвогарнинг вакили Т.Мадримова, гумон қилинувчи М.Адомбоеваларнинг иштирокида,

Адомбоева Маржона Ғайрат кизи, 2003 йил 08 август куни Хоразм вилояти, Янгибозор туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти тугалланмаган олий, турмушга чиқмаган, талаба, муқаддам судланмаган, Янгибозор тумани, Мингбоғолон маҳалласи, Чаманзор кўчаси, 29-уйда яшайди, эҳтиёт чораси қўлланилмаган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-2211-2201/44-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Суриштирув органи ҳужжатларига кўра, Адомбоева Маржона Ғайрат кизи, 2022 йил 23 сентябрь куни, соат тахминан 10¹⁰ ларда ўзининг бошқарувидаги, отаси Мадримов Ғайрат Адамбаевичнинг номида бўлган “Нексия” русумли, 90 N 634 DA давлат рақам белигили автомашинани туманнинг “Мингбоғолон” маҳалласи, “Боғча” кўчаси бўйлаб бошқариб келиб, эҳтиёткорлик чораларини кўрмасдан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 01.05.2022 йилдаги “**Йўл ҳаракати қоидалари**”нинг “Йўл ҳаракати қатнашчилари йўлдаги бошқа ҳаракат қатнашчиларининг ҳаракатланишига тўсқинлик қилмаслиги ва хавф туғдирмасликлари керак”- дейилган **4-банди**, “Тегишли тоифадаги транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасига, унинг талонига, вақтинчалик рухсатномага эга бўлган шахс, ўзига тегишли бўлмаган транспорт воситасини, унинг эгаси ёнида бўлганида ёхуд тасарруф этиш ҳуқуқини берувчи ёки эгалик қилишга, фойдаланишга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлган шахс иштирокидагина (уларнинг розилиги билан) бошқариши мумкин, агар транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича шартнома ушбу транспорт воситасидан чекланмаган шахсларнинг фойдаланилишини ҳисобга олган ҳолда тузилган ёки транспорт воситасини бошқараётган шахс суғурта полисида кўрсатилган бўлса.”-дейилган **8-банди**, “Транспорт воситасининг ҳайдовчиси қуйидагиларга мажбурдир: г)ҳаракатланиш жараёнида пиёдалар, айниқса, болалар, ногиронлар, қарияларга ва велосипедчиларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўриши”-дейилган **11-бандининг “г” кичик банди**, “Ҳайдовчи ҳаракатланишнинг серкатновлигини, транспорт воситасининг ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини,



йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олиб транспорт воситасини белгиланган тезликдан оширмаган ҳолда хавфсизликни таъминловчи тезлик билан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатланишини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш пайтида аниқлай олиши мумкин бўлган хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини тўлиқ тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”-дейилган **77-банди талабларини кўпол равишда бузиб**, мазкур йўлни кесиб ўтаётган, 2020 йил 13 январь куни туғилган вояга етмаган Тўлибоева Шодияҳон Шерали қизини уриб юбориб, йўл транспорт ҳодисаси содир қилиб, Тўлибоева Шодияҳон Шерали қизининг ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили С.Ражапова ва фуқаровий даъвогарнинг вакили Т.Мадримова, гумон қилинувчи М.Адомбоевалар ариза билан мурожаат қилишиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўрашди.

Гумон қилинувчи М.Адомбоева суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига ўз ихтиёри билан тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига етказилган зарарларни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчининг қонуний вакили ва фуқаровий даъвогарнинг вакили билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчининг қонуний вакили С.Ражапова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, М.Адомбоевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб жиноят ишини тугатишни сўради.

Фуқаровий даъвогарнинг вакили Т.Мадримова суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, М.Адомбоевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, турмуш ўртоғи Ғ.Мадримовга тегишли бўлган “Нексия” русумли 90 N 634 DA давлат рақам белгили автомашинасига етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлигини, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса, етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин деб белгиланган.

Суд, жабрланувчининг қонуний вакили С.Ражапова ва фуқаровий даъвогарнинг вакили Т.Мадримова ҳамда гумон қилинувчи М.Адомбоеваларнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, прокурорнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, судланувчининг муқаддам



судланмаганлигини, айбига ихтиёрий иқрорлиги ва етказилган зарар тўлик қопланганлигини, жабрланувчининг қонуний вакилига бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув жабрланувчининг қонуний вакилини ўз хоҳиши билан бўлаётганлигини, Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашув таъсир доирасига тушишини инобатга олиб, М.Адомбоевага нисбатан юритилган жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Шу билан бирга, суд жабрланувчининг қонуний вакили С.Ражапова ва фуқаровий даъвогарнинг вакили Т.Мадримова ҳамда гумон қилинувчи М.Адомбоеваларга Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг у мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддасининг 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан Адомбоева Маржона Ғайрат қизига нисбатан бўлган жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчининг қонуний вакили С.Ражапова ва фуқаровий даъвогарнинг вакили Т.Мадримоваларга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим устидан йигирма сутка ичида Хоразм вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

Р.М. Бобажанов

